



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2024 yil «19» июль

№ПК-274

Волейбол спорт турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тұғрисида

Волейбол спорт турларини янада оммалаштириш, ёшлар орасидан волейбол спорт турлари билан шуғулланувчи спортчиларни сарапаб олиш тизимини яхшилаш, ушбу спорт тури бүйича замонавий спорт инфратузилмасини яратиш ҳамда миллий терма жамоаларимизнинг нуфузли спорт мусобақаларида юқори натижаларга эришишини таъминлаш мақсадида:

1. Құйидагилар волейбол, соҳил волейболи ва пара волейбол спорт турларини (кейинги үринларда – волейбол спорт турлари) ривожлантиришнинг асосий йұналишлари этиб белгилансин:

волейбол спорт турларини ақоли үртасида кенг тарғиб қилиш ҳамда әнг оммавий спорт турларидан бирига айлантириш;

иктидорли спортчилар, шу жумладан, спортчи-аёлларни аниқлаш, селекция қилиш ҳамда уларни профессионал спортчилар сифатида тайёрлашнинг барча босқичларини рақамлаштириш;

зарур шароитларга эга профессионал ва олий таълим ташкилотларида волейбол спорт турлари бүйича тұғараларни ташкил этиш;

волейбол спорт турлари бүйича профессионал тренерлар ва ҳакамларни тайёрлаш тизимини ривожлантириш;

волейбол спорт турлари бүйича замонавий спорт мажмуаларини барпо этиш, мавжуд моддий-техника базасини мустақамлаш, уларни замонавий спорт анжомлари ва жиҳозлари билан таъминлаш.

2. Құйидагилар:

2024 – 2026 йилларда волейбол спорт турларини ривожлантириш дастури (кейинги ўринларда – Дастур) 1-иловага мувофиқ;

2024 – 2026 йилларда волейбол спорт турларини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

3. Спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси, Ўзбекистон волейбол федерациясининг 2025 йилдан бошлаб ҳар йили анъанавий тарзда:

олий таълим муассасалари талабалари, профессионал таълим ва умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида “Volleyball stars” Ўзбекистон кубогини;

вазирлик ва идоралар ходимлари ўртасида уч босқичли (туман (шаҳар) – вилоят – республика) волейбол спорт турлари бўйича “Янги Ўзбекистон” республика мусобақасини;

умумий ўрта таълим муассасалари юқори синф ўқувчилари ўртасида уч босқичли **Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги кубогини;**

ногиронлиги бўлган шахслар ўртасида пара волейбол спорт мусобақаларини ўтказиб бориш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансан.

Ўзбекистон волейбол федерацияси (П. Бобожонов) Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х. Умарова), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К. Шарипов) ҳамда Спорт вазирлиги (А. Икрамов) билан биргаликда икки ой муддатда мазкур бандда кўрсатилган спорт мусобақаларини ўтказиш тартибини тасдиқласин.

4. Спорт вазирлиги (А. Икрамов), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К. Шарипов), Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х. Умарова), Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов), Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (О. Қосимов), Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси (М. Ташходжаев) ва Ўзбекистон волейбол федерацияси билан биргаликда:

уч ой муддатда мазкур қарорнинг 3-бандида кўрсатилган мусобақаларга пухта тайёргарлик кўриш, уларни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш ҳамда мусобақа ғолиб ва совриндорларини муносиб рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқласин;

ушбу қарорнинг 3-бандида кўрсатилган спорт мусобақаларини 2025 йил 1 январдан бошлаб бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг республика календарь режасига киритиш чораларини кўрсин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида волейбол спорт тури бўйича **Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги** кубоги мусобақаларининг финал босқичида ғолиб бўлган таълим муассасаларига уларнинг ҳақиқий эҳтиёжидан келиб чиқиб, зарур **спорту жиҳоз ва анжомлари** етказиб берилади;

ғолиб бўлган умумий ўрта таълим муассасаларини уларнинг ҳақиқий эҳтиёжидан келиб чиқиб, зарур **спорту жиҳоз ва анжомлари** билан таъминлаш Ўзбекистон волейбол федерациясининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

вазирлик ва идоралар ходимлари ўртасида ҳар йили ўтказиладиган **“Янги Ўзбекистон”** республика мусобақасининг туман (шаҳар) ва ҳудудий босқичларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш ушбу вазирлик ва идоралар томонидан **Ўзбекистон волейбол федерацияси** билан келишган ҳолда амалга оширилади.

6. Ўзбекистон волейбол федерациясининг 2025 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир марта федерацияга йўналтириладиган ҳомийлик хайриялари ҳисобидан волейбол бўйича Марказий Осиё волейбол ассоциацияси (CAVA)га аъзо давлатлар ўртасида **“Буюк Ипак йўли”** халқаро турнирини ўтказиб бориш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

7. Спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон волейбол федерацияси ва Наманган вилояти ҳокимлигининг Наманган вилояти Учқўрғон тумани олимпия ва миллий спорт турлари бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатини амалдаги молиялаштириш тартибини сақлаб қолган ҳолда Волейбол спорт турларига ихтисослаштирилган давлат мактаб-интернати (кейинги ўринларда – мактаб-интернат) сифатида қайта ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

8. Қўйидагилар мактаб-интернатнинг қўшимча вазифалари этиб белгилансин:

волейбол спорт турлари бўйича **илғор хорижий давлатлар тажрибаларини** ўрганиш ва мамлакатимизда жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

волейбол спорт турлари бўйича ўқув дастурларини янгилаш, ёшларнинг тайёргарлик жараёнига **илғор инновацион технологияларни** жорий этиш;

волейбол спорт турлари бўйича миллий терма жамоалар учун профессионал спортчилар захирасини яратиш ҳамда бу борада **Россия, Беларусь, Италия, Польша, Япония ва Туркия** давлатларининг волейбол клублари билан ҳамкорликни ривожлантириш.

9. Белгилансинки:

мактаб-интернат фаолияти волейбол спорт турлари бўйича иқтидорли ёш спортчиларни саралаб олиш ва уларни **терма жамоаларга асосий номзод сифатида тайёрлашга йўналтирилади**;

мактаб-интернат **2024/2025 ўқув йилидан** фаолиятини бошлайди ҳамда ўз фаолиятини Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 июндаги “Спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган давлат мактаб-интернатлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 410-сон қарорида белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширади;

мактаб-интернатнинг **волейбол спорт турлари бўйича ўқувчи-спортчилари** сони мактаб-интернатнинг умумий контингенти доирасида Спорт вазирлиги томонидан белгиланади ҳамда мавжуд спорт иншоотлари имкониятларидан келиб чиқиб қўшимча равишда **чим устида хоккей, гандбол, эркин кураш** каби спорт турлари ҳам ривожлантирилади;

2024/2025 ўқув йилига қадар мактаб-интернатда мазкур бандда кўзда тутилмаган бошқа спорт турлари бўйича таҳсил олаётган ўқувчилар ушбу мактаб-интернатни **тўлиқ тамомлагунга қадар ўқишини давом эттиради**.

10. 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб волейбол спорт тури бўйича юқори натижаларга эришган **16 нафардан** (8 нафар ўғил, 8 нафар қиз) иқтидорли спортчи-ўқувчи Спорт вазирлигининг тавсиясига асосан Ички ишлар вазирлиги академик лицейларига танловнинг дастлабки ва маҳсус-профессионал босқичидан муваффақиятли ўтгандан сўнг тест синовларисиз умумий квота доирасида ички ишлар вазири томонидан белгиланган тартибда ўқишига қабул қилинсин.

11. 2025–2026 йилларда Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов) вазирлик тасарруфида бўлган Тошкент вилояти, Бўстонлик туманидаги “Оқтош” болалар соғломлаштириш оромгоҳи базасида волейбол спорт турлари бўйича республика ва халқаро ўқув-йиғин машғулотларини ўtkазишига мўлжалланган ёпиқ турдаги спорт иншоотлари барпо этилишини таъминласин.

Мазкур ёпиқ турдаги спорт иншоотларини қуриш билан боғлиқ харажатлар Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

12. Спорт вазирлиги (А. Икрамов):

а) бир ой муддатда мактаб-интернатнинг уставини тасдиқласин ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўtkазилишини таъминласин;

б) Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси ва Ўзбекистон волейбол федерацияси билан биргалиқда:

мактаб-интернатда спортчиларни тайёрлаш сифати юзасидан доимий давлат назоратини амалга ошириш;

мактаб-интернат ўқув-машғулот жараёнида волейбол ривожланган хорижий мамлакатларнинг юқори малакали кадрлари ҳамда илмий-методик салоҳиятидан унумли фойдаланишни йўлга қўйиш чораларини кўрсинг.

13. Давлат хавфсизлик хизмати, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардия ва Божхона қўмитаси Ўзбекистон волейбол федерацияси билан биргалиқда 2024 йил 1 сентябрдан бошлаб:

волейбол спорт турлари бўйича ўз тизимида бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан спорт клублари фаолиятини;

ўз ходимлари ўртасида “**Мустаҳкам оила – армия таянчи**” шиори остида ҳар йили волейбол мусобақаларини ўтказиб бориш амалиётини йўлга қўйсин.

14. Ўзбекистон волейбол федерациясига спорт заллари беғараз бириктириладиган давлат таълим муассасаларининг манзилли рўйхати З-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

Бунда, давлат таълим муассасаларининг спорт заллари дарсдан бўш вақтларда, шунингдек, ёзги таътил даврида волейбол спорт турлари бўйича ҳудудий терма жамоалар шуғулланиши учун ажратилади.

15. Ўзбекистон волейбол федерацияси ҳамда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасининг Ўзбекистон волейбол федерацияси тизимида юридик шахс шаклидаги ҳудудий профессионал волейбол клубларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансан.

Белгилансинки:

ҳудудий профессионал волейбол клублари учун бино ва иншоотларни барпо этиш Спорт вазирлиги билан келишилган намунавий лойиҳа асосида **маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари** ва **ҳомийлик хайриялари** ҳисобидан амалга оширилади ҳамда уларга ҳудудий профессионал волейбол клублари **текин фойдаланиш ҳуқуки асосида** жойлаштирилади;

ҳудудий профессионал волейбол клублари иқтидорли ёш спортчиларни саралаб (селекция) олишни ҳамда келгусида уларни миллий терма жамоаларнинг асосий ва захира таркибига тайёрлаб беришни амалга оширади, шунингдек, ҳудудий саралаш мусобақаларини ўтказиб боради;

ҳудудий профессионал волейбол клублари **маҳаллий бюджет ва ҳомийлик хайриялари** ҳисобидан Халқаро волейбол федерациясининг талаблари асосида ишлаб чиқарилган **спорт жиҳозлари ва инвентарлари** билан таъминланади.

16. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари:

бир ой муддатда ҳудудий профессионал волейбол клублари учун бино ва иншоотларни барпо этиш ҳамда спорт жиҳозлари ва инвентарлари билан таъминлаш ишларини амалга ошириш учун зарур бўлган маблағларни ажратиш бўйича тегишли халқ депутатлари Кенгашларига таклиф киритсин;

ҳар йили ҳудудий профессионал волейбол клублари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, спортчиларнинг ҳудудий, республика ва халқаро спорт мусобақаларида иштирок этиши учун ҳудудий спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари календарь режасига **зарур маблағларни йўналтириб борсин**;

ҳудудий профессионал волейбол клубларини спорт анжомлари ва жиҳозлари билан таъминлаш чораларини кўрсинг.

17. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон волейбол федерацияси биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини ёритишга оид мақола, брифинг, тематик телекўрсатувлар ташкил этсин.

18. Спорт вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **уч ой** муддатда қонунчиллик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси спорт вазири **А.И. Икрамов**, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси бош котиби **О.О. Қосимов** ҳамда Ўзбекистон волейбол федерацияси раиси **П.Р. Бобоҷонов** белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бosh вазири **А.Н. Арипов** ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси департаменти раҳбари **О.Қ. Абдурахманов** зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри



Ш. Мирзиёев

**2024–2026 йилларда волейбол спорт турларини ривожлантириш
ДАСТУРИ**

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизмлари | Амалга ошириш муддатлари | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|-----|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------|-------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1. | Волейбол спорт турларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш ҳамда энг оммавий спорт турларидан бирига айлантириш. | 1. Ёшларни спорт клублари, спорт мактабларининг волейбол секциялари ва тўгаракларига кенг жалб этиб бориш. 2. Спорт клублари, спорт мактабларининг волейбол секциялари ва тўгаракларига жалб қилинган ёшларни маҳаллий ва республика мусобақаларига пухта тайёрлаб боришни йўлга қўйиш. | Доимий равища | – | Ўзбекистон волейбол федерацияси (П.Бобоҷонов), Спорт вазирлиги (А.Икрамов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 2. | Худудларда волейбол спорт турлари бўйича иқтидорли ёшларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция) ишларини такомиллаштириш. | 1. Иқтидорли ёшларни худудлардаги селекционерларни жалб қилган ҳолда аниқлаш. 2. Саралаб олиш (селекция) йўли билан аниқланган иқтидорли ёшларни келажакда олий маҳоратли волейболчи бўлиб шакланиши учун спорт мактабларига йўналтириш. 3. Таълим муассасаларида ушбу ёшларнинг ўқиш ва шуғулланиш жараёнини доимий назоратга олган ҳолда мониторинг қилиб бориш. 4. Нұфузли халқаро мусобақаларда ғолиб ва совриндор бўлган машҳур спортчилар ҳамда бошқа халқаро даражадаги мутахассислар томонидан ёш волейболчилар билан маҳалла, туман | 2024–2026 йиллар давомида | – | Ўзбекистон волейбол федерацияси (П.Бобоҷонов), Спорт вазирлиги (А.Икрамов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизмлари | Амалга ошириш муддатлари | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|-----|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| | | ва шаҳарларда доимий равишда маҳорат дарсларини ташкил қилиш. | | | |
| 3. | Волейбол спорт турлари бўйича тегишли халқаро ташкилотлар тасдиқлаган норма ва қоидаларда белгиланган ёш тоифалари бўйича спорт мусобақаларини ўтказиб бориш. | <p>1. Олий таълим муассасалари талабалари, профессионал таълим муассасалари ва умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида "Volleyball stars" Ўзбекистон кубоги мусобақасини ўтказиш.</p> <p>2. Вазирлик ва идоралар ходимлари ўртасида уч босқичли (туман ва шаҳар – вилоят – республика) волейбол спорт турлари бўйича "Янги Ўзбекистон" республика мусобақасини ўтказиш.</p> <p>3. Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида уч босқичли Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги кубоги мусобақасини ўтказиш.</p> | 2025 йилдан бошлаб ҳар йили | Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг республика календарь режасига ажратилган маблағлар | Спорт вазирлиги (А.Икрамов), Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Ҳ.Умарова), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов), Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (О.Қосимов), Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси (М.Ташходжаев), Ўзбекистон волейбол федерацияси (П.Бобожонов) |
| 4. | Марказий Осиё волейбол ассоциацияси (CAVA)га аъзо давлатлар ўртасида "Буюк Ипак йўли" халқаро турнирини ўтказиб бориш. | <p>1. "Буюк Ипак йўли" халқаро турнирини ўтказиш ҳамда ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш тартибини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Марказий Осиё волейбол ассоциацияси (CAVA)га аъзо давлатларнинг волейбол федерациялари (ассоциациялар) билан ҳамкорликни йўлга қўйиш.</p> <p>3. "Буюк Ипак йўли" халқаро турнирини Марказий Осиё волейбол ассоциацияси (CAVA)га аъзо давлатлар иштирокида кенг қамровда ташкил этиш.</p> | <p>2024 йил 4-чорак</p> <p>2025 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир марта</p> | Ўзбекистон волейбол федерацияси маблағлари | Ўзбекистон волейбол федерацияси (П.Бобожонов), Спорт вазирлиги (А.Икрамов) |
| 5. | Ўзбекистон волейбол федерацияси ҳузурида ҳудудий профессионал волейбол клубларини ташкил этиш. | 1. Ҳудудий профессионал волейбол клублари учун бино-иншоотлар қуришга ер участкаларини ажратиш чораларини кўриш. | 2024–2025 йиллар давомида | Маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон волейбол |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизмлари | Амалга ошириш муддатлари | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|-----|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------|----------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| | | <p>2. Режа-график асосида ҳудудларда профессионал волейбол клублари учун бино-иншоотлар барпо этилишини таъминлаш.</p> <p>3. Волейбол бўйича нуфузли халқаро мусобақаларда иштирок этадиган спортчилар билан индивидуал ишлаш ва уларнинг пухта тайёргарлигини ташкил этиб бориш.</p> <p>4. Ҳудудий профессионал волейбол клубларини Халқаро волейбол федерациясининг талаблари асосида ишлаб чиқарилган волейбол спорт жиҳозлари ва инвентарлари билан таъминлаб бориш.</p> | доимий | ва ҳомийлик хайриялари | федерацияси (П.Бобожонов) |
| 6. | Ўзбекистон волейбол йўлланмаси асосида ҳудудларга тренерларни ва бошқа мутахассисларни илфор тажрибани жорий этиш мақсадида юбориш тизимини йўлга қўйиш. | <p>1. Волейбол спорт турлари ривожланмаётган ва натижадорлиги паст бўлган ҳудудларга тренерлар ва тегишли мутахассисларни юбориш (ротация қилиш) ҳамда уларни бириктириш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Тренерлар ва тегишли мутахассисларни тажриба тариқасида Жиззах ва Сурхондарё вилоятларига юбориш.</p> <p>3. Мазкур тажрибани республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам кенг жорий этиш.</p> | 2025 йилдан бошлаб | — | Ўзбекистон волейбол федерацияси (П.Бобожонов), Спорт вазирлиги (А.Икрамов), Жиззах ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликлари |
| 7. | Волейболчиларнинг спорт тиббиёти бўйича билим даражасини ошириб бориш. | 1. Тошкент тиббиёт академияси, Андикон давлат тиббиёт институти, Самарқанд давлат тиббиёт университети, Бухоро давлат тиббиёт институти спорт тиббиёти кафедралари билан ҳамкорликда семинар-тренинглар ташкил этиб бориш. | 2025 йилдан бошлаб | Ижрочилар ва ҳомийлар маблағлари | Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Худояров), Спорт вазирлиги (А.Икрамов), Ўзбекистон волейбол федерацияси (П.Бобожонов) |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизмлари | Амалга ошириш муддатлари | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|-----|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------|----------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| | | 2. Семинар-тренингларни спорт кардиологияси, травматологияси ва ортопедияси, фармакологияси, спортчиларнинг соматик касалликларини даволаш, иммунитетни коррекциялаш (тузатиш), функционал ташхис (диагностика), спорт жароҳатидан кейинги реабилитацияси ҳамда спортчиларнинг машғулотлар ва мусобақа юкламаларидан кейинги реабилитацияси каби йўналишларда амалга ошириб бориш. | | | |
| 8. | Волейбол спорт турлари билан шуғулланувчи ёшлар қамровини кенгайтириш. | 1. Волейбол спорт турларини таълим муассасалари, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш орқали оммалаштириш, аҳолининг ушбу спорт турига қизиқишини ошириш. 2. Волейбол бўйича спорт клублари фаoliyatини янада кенгайтириш, уларни қўллаб-қувватлаш. 3. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг волейбол билан бепул шуғулланишлари учун қулайликлар яратиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш. | 2024–2025 йилларда | Ижрочилар ва ҳомийлар маблағлари Маҳаллий бюджет маблағлари | Ўзбекистон волейбол федерацияси (П.Бобоҷонов), Спорт вазирлиги (А.Икрамов), Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (О.Қосимов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси (М.Ташходжаев) |
| 9. | Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети спорт базасида 30x50м ўлчамдаги енгил конструкцияли волейбол спорт турига ихтинослаштирилган спорт зали қуриш. | 1. Спорт залини барпо этиш учун Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳудудидан ер ажратиш. 2. Ўзбекистон волейбол федерацияси ҳамда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети маблағлари ҳисобидан Хитой тажрибаси асосида спорт | 2025–2026 йиллар | Ўзбекистон волейбол федерацияси (П.Бобоҷонов), Спорт вазирлиги (А.Икрамов) | |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизмлари | Амалга ошириш муддатлари | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|-----|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------|----------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| | | <p>залини барпо этиш.</p> <p>3. Қурилиш ишларини якунлаш, фойдаланишга топширилиши ва қабул қилинишини таъминлаш.</p> <p>4. Спорт залини зарур техника ва инвентарлар билан жиҳозлаш.</p> | | | |
| 10. | Наманган вилояти Учқўрғон тумани олимпия ва миллий спорт ихтисослаштирилган мактаб-интернатини спорт ихтисослаштирилган мактаб-интернати қайта ташкил этиш. | <p>1. Волейбол спорт турларига ихтисослаштирилган давлат мактаб-интернати (кейинги ўринларда – мактаб-интернат) уставини қайта ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Уставни белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш.</p> <p>3. Мактаб-интернатни зарур мебель, компьютер техникаси ва спорт инвентарлари билан жиҳозлаб бориш.</p> | 2024/2025 ўқув йилига қадар | – Маҳаллий бюджет маблағлари | Спорт вазирлиги (А.Икрамов), Ўзбекистон волейбол федерацияси (П.Бобоҷонов) Наманган вилоят ҳокимлиги (Ш.Абдуразаков) |
| 11. | 2024 йилги Республикасининг ва ишлаб инфратузилмасини ривожлантириш дастури спорtnи ривожлантириш объектлари учун ажратилган маблағлар ҳисобидан мактаб-интернатнинг мавжуд бино ва иншоотларини реконструкция қилиш ҳамда 200 ўринли ётоқхона биносини қуриш ишларини якунлаш ва фойдаланишга топшириш юзасидан таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | <p>1. Бино ва иншоотларни реконструкция қилиш ҳамда қуриш ишларини якунлаш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. 2024 йилги Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида спорtnи ривожлантириш объектлари учун ажратилган маблағлар ҳисобидан мактаб-интернатнинг бино ва иншоотларини реконструкция қилиш ҳамда қуриш ишларини якунлаш учун зарур бўладиган маблағларни ажратиш бўйича Вазирлар Маҳкамаси Раёсати баёнида назарда тутилиши учун таклиф киритиш.</p> | 2024 йил август | Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида | Наманган вилоят ҳокимлиги (Ш.Абдуразаков), Спорт вазирлиги (А.Икрамов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И.Норқулов) |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизmlари | Амалга ошириш муддатлари | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижроchилар |
|-----|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------|-----------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 12. | Волейбол спорт турлари бўйича тренер ва мутахассислар малакасини ошириш. | 1. Тренер ва ҳакамлар учун ўқув-семинар ташкил этиш ва ўтказиш бўйича режа график ва ўқув дастурини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш. 2. Режа график асосида босқичма-босқич салоҳиятли мутахассисларни жалб қилган ҳолда ўқув семинарларни ташкил этиб бориш. | 2024 йилдан бошлаб ҳар йили | — | Спорт вазирлиги (А.Икрамов), Ўзбекистон волейбол федерацияси (П.Бобоҷонов) |
| 13. | Ўқув-машғулот жараёнига жаҳоннинг етакчи мутахассисларини тизимли асосда жалб этиш ҳамда тажриба алмашиш мақсадида кадрларни волейбол ривожланган етакчи хорижий давлатларга юбориш тизимини жорий этиш. | 1. Волейбол бўйича етакчи хорижий давлатлар (Италия, Польша, Япония, Туркия ва бошқалар)нинг илфор тажрибасини ўрганиш. 2. Маҳаллий мутахассисларни хорижий давлатларга тажриба алмашишга юбориш ҳамда етакчи хорижий мутахассисларни юртимизга маҳорат дарсларини ўтказиш мақсадида ташрифи режасини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш. | 2024 йил декабрь | Ижроchилар ва ҳомийлар маблағлари | Ўзбекистон волейбол федерацияси (П.Бобоҷонов), Спорт вазирлиги (А.Икрамов), Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (О.Қосимов) |
| 14. | Халқаро волейбол федерацияси (FIVB), Осиё волейбол конфедерацияси (AVC) ва Марказий Осиё волейбол ассоциацияси (CAVA) билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш. | 1. Волейбол спорт турлари бўйича жаҳон рейтингларида юқори ўринларни эгаллаган давлатлар, шу жумладан Италия, Польша, Япония ва Туркия давлатларининг илфор тажрибасини ўрганиш ва амалиётга жорий қилиш. 2. Мазкур давлатлардаги спорт федерация (ассоциация)лари билан ҳамкорликни кучайтириш. | 2024–2025 йиллар | Ижроchилар ва ҳомийлар маблағлари | Ўзбекистон волейбол федерацияси (П.Бобоҷонов), Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (О.Қосимов) |
| 15. | Оммавий ахборот воситалари, шу жумладан Интернет орқали волейбол спорт турларини кенг тарғиб қилиш. | Қўйидагиларни назарда тутувчи 2024–2025 йилларга мўлжалланган медиа-режани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш: Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг | 2024 йил сентябрь | — | Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Джурабоев), Ўзбекистон Миллий медиа ассоциацияси (Ш.Қудратхўја), |

| T/r | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизмлари | Амалга ошириш муддатлари | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|-----|----------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------|-------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| | | <p>телеканалида волейбол бўйича маҳаллий ва халқаро мусобақалар, спортчиларимиз томонидан эришилган ютуқларни мунтазам ёритиб бориш мақсадида волейбол бўйича маҳсус руҳн ташкил қилиш;</p> <p>ҳудудий телеканаллар ва оммавий ахборот воситаларида волейбол спорт турларини кенг ёритиш ишларини доимий равишда ташкиллаштириб бориш;</p> <p>машҳур спортчилар билан давра суҳбатлари, мулоқотлар ва маҳорат дарсларини ўтказиш;</p> <p>таниқли спортчилар иштирокида ижтимоий реклама роликларини ишлаб чиқиш ва намойиш этиш;</p> <p>спорт журналистларининг волейбол ютуқлари таҳлилига бағишлиланган кўрсатувларини оммавий ахборот воситаларида доимий ёритиб бориш.</p> | | | Спорт вазирлиги (А.Икрамов), Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (О.Қосимов), Ўзбекистон волейбол федерацияси (П.Бобожонов) |

**2024–2026 йилларда волейбол спорт турларини ривожлантиришнинг
МАҚСАДЛИ КҮРСАТКИЧЛАРИ**

| Т/р | Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | Йиллар кесимида | | | Масъул ижрочилар |
|-----|-------------------------------------------------------------------------------------|---------------|-----------------|--------|--------|--------------------------------------------------------------------------------------------|
| | | | 2024 | 2025 | 2026 | |
| 1. | Ўзбекистонда волейбол спорт тури билан доимий шуғулланувчилар | нафар | 44 000 | 45 000 | 46 000 | Спорт вазирлиги, Ўзбекистон волейбол федерацияси |
| 2. | Спорт-таълим муассасаларида волейбол спорт тури билан доимий шуғулланувчилар | нафар | 34 000 | 35 000 | 36 000 | Спорт вазирлиги, Ўзбекистон волейбол федерацияси |
| 3. | Спорт-таълим муассасаларидағи волейбол бўйича тренерлар | нафар | 990 | 1 020 | 1 050 | Спорт вазирлиги, Ўзбекистон волейбол федерацияси |
| 4. | Спорт-таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган волейбол мусобақалари | сон | 10 | 14 | 18 | Спорт вазирлиги, Ўзбекистон волейбол федерацияси |
| 5. | Волейбол спорт тури бўйича терма жамоаларнинг халқаро спорт мусобақаларида иштироки | сон | 8 | 10 | 12 | Спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон волейбол федерацияси |

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2024 йил 19 июлдаги ПҚ-274-сон қарорига
З-илова

**Ўзбекистон волейбол федерациясига спорт заллари беғараз
бириктириладиган давлат таълим муассасаларининг
МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ**

| Т/р | Давлат таълим муассасаси номи | Юқори турувчи вазирлик ва идора |
|-------------------------------------|---------------------------------------------------------------|--------------------------------------------|
| Қорақалпоғистон Республикаси | | |
| 1. | Беруний туман 2-сон касб-ҳунар мактаби | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги |
| 2. | Кегейли туман 2-сон касб-ҳунар мактаби | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги |
| 3. | Тахтакўпир туман касб-ҳунар мактаби | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги |
| 4. | Элликқалъа туман касб-ҳунар мактаби | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги |
| Андижон вилояти | | |
| 5. | Марҳамат агротехнологиялар техникуми | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги |
| 6. | Пахтаобод туман 1-сон касб-ҳунар мактаби | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги |
| 7. | Пахтаобод туман 2-сон касб-ҳунар мактаби | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги |
| Бухоро вилояти | | |
| 8. | Бухоро туман касб-ҳунар мактаби | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги |
| 9. | Бухоро Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникуми | Соғлиқни сақлаш вазирлиги |
| 10. | Қоракўл педагогика коллежи | Мактаб ва мактабгача таълим вазирлиги |
| 11. | Ромитан туман 2-сон касб-ҳунар мактаби | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги |
| 12. | Шоғиркон туман касб-ҳунар мактаби | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги |
| Жиззах вилояти | | |
| 13. | Жиззах Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникуми | Соғлиқни сақлаш вазирлиги |
| 14. | Зарбдор туман касб-ҳунар мактаби | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги |
| 15. | Шароф Рашидов туман политехника техникуми | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги |

| Т/р | Давлат таълим мұассасаси номи | Юқори турувчи вазирлик ва идора |
|---------------------------|------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------|
| Қашқадарё вилояти | | |
| 16. | Қарши банк колледжи | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги |
| 17. | Ғузор энергетика саноати техникуми | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги |
| Навоий вилояти | | |
| 18. | Кармана туман касб-хунар мактаби | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги |
| 19. | Конимек туман касб-хунар мактаби | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги |
| 20. | Нурота туман 1-сон касб-хунар мактаби | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги |
| 21. | Нурота туман 2-сон касб-хунар мактаби | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги |
| Наманган вилояти | | |
| 22. | Янгиқўрғон иқтисодиёт ва сервис касб-хунар коллежи | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги |
| Самарқанд вилояти | | |
| 23. | Жомбой туман 1-сон касб-хунар мактаби | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги |
| 24. | Иштиҳон туман 2-сон касб-хунар мактаби | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги |
| 25. | Нарпай туман 2-сон касб-хунар мактаби | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги |
| 26. | Самарқанд Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникуми | Соғлиқни сақлаш вазирлиги |
| Сирдарё вилояти | | |
| 27. | Гулистон туман касб-хунар мактаби | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги |
| 28. | Сайхунобод туман 1-сон касб-хунар мактаби | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги |
| 29. | Сайхунобод туман 2-сон касб-хунар мактаби | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги |
| Сурхондарё вилояти | | |
| 30. | Бойсун туман 1-сон касб-хунар мактаби | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги |
| 31. | Олтинсой туман 1-сон касб-хунар мактаби | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги |
| 32. | Шеробод туман 2-сон касб-хунар мактаби | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги |
| Тошкент вилояти | | |

| Т/р | Давлат таълим мұассасаси номи | Юқори турувчи вазирлик ва идора |
|------------------------|---------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------|
| 33. | Бекобод шаҳар касб-ҳунар мактаби | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги |
| 34. | Бўка туман 2-сон касб-ҳунар коллежи | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги |
| 35. | Олмалиқ архитектура-қурилиш техникуми | Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги |
| Фарғона вилояти | | |
| 36. | Риштон Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникуми | Соғлиқни сақлаш вазирлиги |
| 37. | Учкўприк туман 2-сон касб-ҳунар мактаби | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги |
| 38. | Ўзбекистон туман 2-сон касб-ҳунар мактаби | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги |
| Хоразм вилояти | | |
| 39. | Урганч туман 1-сон касб-ҳунар мактаби | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги |
| 40. | Ҳазорасп туман 1-сон касб-ҳунар мактаби | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги |
| 41. | Ҳазорасп туман 3-сон касб-ҳунар мактаби | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги |
| Тошкент шаҳри | | |
| 42. | Республика телевидение ва радио коллежи | МТРК |
| 43. | Тошкент геодезия ва картография техникуми | Кадастр агентлиги |
| 44. | Тошкент иқтисодиёт ва саноат техникуми | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги |

